

ЎМИнинг 13 сентябр кундаги “Ўз жонига қасд қилиш – оғир гуноҳ”

Жума тезисига илова:

### Кимлар фатво беришга ҳақли?

*(Илмсиз ҳолда фатво беришнинг гуноҳи)*

Исломда фатвонинг ўрни ва таъсири муҳим бўлиши билан бирга ўта масъулиятли вазифа ҳам ҳисобланади. Имом Шотибий фатво бериш масъулияти ҳақида тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди: “*Муфтий – ҳукмларни етказишда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўринбосар ва У зотнинг меросхўри ҳисобланади. Шу боис у Расулulloҳ номларидан гапиради*”.

Ҳақиқатан, Абдуллоҳ ибн Жаъфардан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу борада огоҳ ва эътиборли бўлишга чақириб: “**Фатвога журъатли бўлганларингиз дўзахга журъатли бўлганингиздир**”, – деганлар. Яъни воқеъликни тўлиқ ўрганмай, етарли билим ва тажриба орттирмай туриб, қўрқмасдан журъат билан фатво беришдан қайтарган. Буни чуқур англаб етган мусулмонларнинг дастлабки авлодлари ўзларидан илмли шахс бўлган жойда сукут сақлашган.

Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳдан гоҳо элликта масала сўралганда биттасига ҳам жавоб бермаган пайтлари бўлган экан. Бунинг сабаби сўралганда, у киши: “*Жавоб берувчи ўзини аввал дўзахга солиб кўрсин, халос бўлишига кўзи етса, жавоб берсин*”, – деганлар.

Абу Али аз-Зарирдан ривоят қилинади: “*Мен Аҳмад ибн Ҳанбалга: “Кишига фатво бериши учун қанча ҳадис етарли, юз минг ҳадис етадимми?” – дедим. У: “Йўқ”, – деди. Мен: “Икки юз мингчи?” – дедим. У: “Йўқ”, – деди. Мен: “Уч юз мингчи?”, – дедим. У: “Йўқ”, – деди. Мен: “Тўрт юз мингчи?” – дедим. У яна: “Йўқ”, деди. Шунда мен: “Беш юз минг бўлсачи?”, – деган эдим, у: “Умид қиламан”, – деб айтди*”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, фатво бериш жуда масъулиятли бўлганлиги учун унга ҳамма ҳам журъат қилавермайди. Бунинг ортида жамият ва унда яшовчи шахслар учун ғоят хатарли зарарлар ва ихтилофлар келиб чиқиш мумкин. Шайх Рамазон Бутий айтади: “*Ҳукм чиқариш илми тиббиёт илми кабидир. Мабодо бировнинг фарзанди оғир касалга чалиниб қолса, у тегишли ташхис қўйиш ва фарзандини даволаш учун тиббиётга оид китобларни титадимми ёки малакали шифокорнинг олдига борадимми? Тўғриси айтганда, унинг эси жойида бўлса, кейинги йўлни танлайди. Динда ҳам худди шундай. Аслида бу тиббиётдан ҳам муҳимроқ, шунингдек қамрови жиҳатидан хавфлироқдир*”.

Демак, чуқур илм, тажриба ва холислик каби фазилат бўлмай туриб, фатво беришнинг оқибати хайрли эмас. Шундай экан, ҳозирги кунда баъзи ўзини олим деб ҳисоблаган шахслар ёки гуруҳлар томонидан ислом ҳукмларига эътиборсиз ва масъулиятсизлик билан фатво беришлари ўзлари ва ўзгаларни ҳам адаштиришдир. Қандай қилиб шахсларни ва бутун бошли жамиятларни кофирга чиқариб, жамоат олдида уларга эргашишни ҳаром демоқдалар?!

Хулоса қилиб айтганда, фатвонинг мусулмонлар ҳаётида ўрни муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда илм ва салоҳиятсиз фатво бериш ёки учраган кишидан фатво сўраш шунингдек, интернет орқали Аҳли сунна вал жамоа мазҳабига зид бўлган фатволарга эргашиб кетавериш адашувга олиб боради. Бу каби салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи ихтилофларнинг олдини олиш биринчи навбатда ислом уламоларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.